

---

## **МИБ ходимлари томонидан 3 млрд. 443 млн. сўм солиқ қарздорлиги ундирилди!**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Бешариқ туман бўлими иш юритувида Ўзбекистон туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 28 октябрдаги 4-1503-1901/979 сонли қарздор “Бешариқ Текстил” АЖдан ундирувчи Бешариқ туман Давлат солиқ инспекцияси фойдасига 3 млрд. 443 млн. сўм ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати мавжуд бўлиб, ушбу ижро ҳужжати бўйича бўлим томонидан ижро иши юритуви қўзғатилган.

Ўзбекистон Республикаси “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасига биноан қарздорга 15 кун ихтиёрий муддат белгиланган.

Бироқ, мазкур қонун талаби “Бешариқ Текстил” АЖга эмасдек гўёки, чунки, жамият оз эмас кўп эмас 3 млрд 443 млн сўм солиқ қарздорлигини тўламасдан келган.

Қарздор томонидан солиқ қарздорликларни тўлашни пайсалга солиб келаётган бир пайтда, мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилиб, қарздорга таъсир чоралари қўлланилиб, қарздорни барча мол-мулклари хатланиб, “Электрон-Онлайн” аукцион савдоларида сотилиб, 12.03.2020 йил куни 3 млрд 443 млн сўм солиқ қарздорлиги ундирилишига эришилди.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Бош прокуратураси ҳузуридаги**

**Мажбурий ижро бюроси**

**Фарғона вилояти Бешариқ туман бўлими**

2020-04-04 11:07:52